

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

**№ S/4 (3) - 2023**

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

---

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

---

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ**

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Махсус сон

*№ 5/4 (3) – 2023*

## **АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

#### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васида Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### *22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### *23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

## **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

## **Crossref DOI:**

Тахририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

## **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

**Тахририят манзили:**  
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
Телеграм канал: [https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

*Аббасов Беҳзод Бахтиёрович*

1946 – 1965 ЙИЛЛАРДА ФАРҶОНА ВОДИЙСИДА ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИ  
ҲАМДА АҲОЛИНИ ЯНГИ ЎЗЛАШТИРИЛГАН ЕРЛАРГА КЎЧИРИШНИНГ  
БОШЛАНИШИ ..... 10-21

*Бабалжанов Хасан Бахтиёрович*

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ  
ТАЪМИНОТИДА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ЎРНИ ..... 22-27

*Саидбобоева Гулзора Нематжоновна*

ГОЭЛРО РЕЖАСИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ..... 28-36

*Rasulov Ma'murjon Foziljonovich*

O'ZBEKISTONDA XALQARO SAYYONLIKNI RIVOJLANTIRISHDA MADANIY MEROS  
OBJEKTLARINING O'RNI ..... 37-42

*Жиянбекова Шарофат Абдикахаровна*

A.C. ПУШКИН НОМИДАГИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КУТУБХОНА МАРКАЗИНИНГ ТАШКИЛ  
ЭТИЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ ..... 43-51

*Esonov Ziyodbek Yuldashevich*

FARG'ONA VODIYSI QORAQALPOQLARI HUNARMANDCHILIGI TARIXIDAN ..... 52-58

*Фарманова Гульнара Комилевна*

ИЗ ИСТОРИИ ПЕРВЫХ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ РАБОТ И ИССЛЕДОВАНИЙ НА  
АФРАСИАБЕ ..... 59-65

*Turaev Sherzod Gulboy ugli*

DESCRIPTION OF CHARACTERISTICS AND TYPES OF LIVESTOCK FARMING OF SURKHAN  
OASIS IN B.H. KARMISHEVA RESEARCH ..... 66-71

*Сотиболдиев Файратжон Отамирзаевич*

ИНТЕРНЕТНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА КИРИБ КЕЛИШИ ТАРИХИ: МУАММО ВА  
ЕЧИМЛАР ..... 72-78

*Rasulov Azizkhon Mukhamadqodirovich*

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТАРИХИ МАНБАЛАРИНИНГ УМУМИЙ  
ТАВСИФИ ..... 79-90

*Абдуллажанова Нигорахон Турдалиевна*

БЕРУНИЙ ВА ИБН СИНО ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ ТАРИХШУНОСЛИГИДАН ..... 91-95

*Дониёров Носиржон Абдухолиқ ўғли*

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА ИМЛО СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТАРИХИДАН ..... 96-102

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

*Юлдашев Обиддин, Махлиё Мамбетқулова*

ИСЛОМИЙ СУҒУРТА (ТАКАФУЛ) ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ..... 103-109

<i>Фозилов Умид Закирович</i> БОШҚАРУВ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ОҚИЛОНА БАҲОЛАШ ТАШКИЛОТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АСОСИ .....	110-118
<i>Shoyev Davronbek Axmadjonovich</i> BOSHQARISH SIFATINI OSHIRISHDA “MENEJMENT LABORATORIYASI”NI TASHKIL QILISHNING O‘RNI .....	119-125
<i>Орзукулова Зумрад Абдуҳолиқ қизи</i> ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ .....	126-133
<i>Djurakulov Shoxrux, Isaxonova Mohinur</i> O‘ZBEKISTONDA RAQAMLI IQTISODIYOT VA UNI TAKOMILLASHTIRISH IMKONIYATLARI .....	134-139
<i>Raxmatullayeva Feruza Azimovna, Sharobiddinov Ahrorbek Qosimjon o‘g‘li</i> YALPI HUDUDIY MAHSULOT SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO‘LLARI .....	140-146
<i>Ёдгорова Шахноза Хайридиновна</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБАЛАРИ .....	147-155
<i>Qurbonov Ma‘murjon G‘ayrat o‘g‘li</i> ASOSIY ISHLAB CHIQRISH KO‘RSATKICHLARINI TAKOMILLASHTIRISH USLUBIYATI .....	156-166
<i>Nurullayev Hoshimjon Hamidovich</i> BUXORO VILOYATINING NOMODDIY-MADANIY MEROSONING O‘ZBEKISTON TURIZMI RIVOJLANISHIDAGI ANAMIYATI .....	167-172
<i>Маматов Бахадир Сафаралиевич</i> РИВОЖЛАНГАН ВА РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ ТАЖРИБАЛАРИ .....	173-188
<i>Ғойипназаров Санжар Баходирович</i> ИНСОН КАПИТАЛИНИ РАҚАМЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДРАЙВЕРЛАРИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МОДЕЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	189-195
<i>Садинов Азиз Зиядуллаевич</i> ЧИҚИНДИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	196-203
<i>Қурбонова Раҳима Жамшедовна, Мирзаева Ширин Нодировна, Хакимов Дамир</i> ИЖТИМОЙ КАПИТАЛНИ ЎЛЧАШДА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РОЛИ .....	204-216
<i>Asatxodjayeva Shoira Shukurullayevna, Maxmudov Muxammadqodir Muzaffar o‘g‘li</i> YASHIL IQTISODIYOTNING MOHIYATI VA UNGA INVESTITSİYALARNI YO‘NALTIRISH ZARURIYATI .....	217-222

*Исломов Алишер Бахтиёр ўғли*  
БУХГАЛТЕРИЯ АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА ПРОФЕССИОНАЛЛИКНИ  
ТАЪМИНЛАШ ..... 223-229

*Agzatova Nargiza Garurovna*  
SPECIFICS OF ETHNOGRAPHIC TOURISM AND ETHNIC TOURISM IN UZBEKISTAN ..... 230-237

*Муродова Дилноза Чориевна*  
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ  
ТАЖРИБАСИ ВА УНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ ..... 238-245

*Khodjaeva Shodiyabonu Abitdjanovna*  
QISHLOQ XO'JALIGIDA AGROMARKETING TIZIMINING AHAMIYATI VA UNING  
FUNKSIYALARI ..... 246-250

### **09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Нуруллаева Зулхумор Сидаматовна*  
МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ МАДАНИЯТ ТИЗИМИДА МАҚОМ САНЪАТИНИНГ  
ЎРНИ ..... 251-259

*Ibroximov Sarvar Mo'yudinjon o'g'li*  
IJTIMOIY-GUMANITAR VA MUTAXASSISLIK FANLARNI INNOVATSION PEDAGOGIK  
TEKNOLOGIYALAR ASOSIDA O'QITISH ORQALI TALABALARDA FUQAROLIK POZITSIYASINI  
TAKOMILLASHTIRISH ..... 260-265

*Yuldashev Ibroxim To'uchiyevich*  
MOVAROUNNAHR VA XUROSONDA MINIATYURA SAN'ATINING ADABIYOT BILAN O'ZARO  
UYG'UNLIGI VA G'OYAVIY ESTETIK VA AXLOQIY TASAVVURLARINING  
MUSHTARAKLIGI ..... 266-271

*Khamdamova Sitora Safarovna*  
MARKAZIY OSIYO XALQLARI TARIXIY TARAQQIYOTIDA KROSS-MADANIYATINING O'ZIGA  
XOSLIGI ..... 272-277

*Абдуллаев Джасур Абдиваит ўғли*  
ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ КЛАССИФИКАЦИИ КАЧЕСТВ СОВЕРШЕННОГО  
ЧЕЛОВЕКА ..... 278-283

### **10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Xasanov Akbarjon Abdurashidovich*  
O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA MILLIY KONSEPTOSFERANI VOQELANTIRUVCHI LINGVISTIK  
BIRLIKLAR BO'YICHA AMALGA OSHIRILGAN TADQIQOTLAR ..... 284-292

*Qurbonova Muharram Jurabekovna*  
XURSHID DAVRON SHE'RIYATINING TIL XUSUSIYATLARI ..... 293-297

*Сафарова Замира Рустамовна*  
ИНГЛИЗЧА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР ТАРКИБИДАГИ ИНСОН НОМЛАРИНИНГ ЭТИМОЛОГИК  
ТАСНИФИ ..... 298-304



*Gubaydullin Artur Faridovich*  
THE NUANCES OF HUMOR TRANSLATION IN TERRY PRATCHETT'S 'GOOD OMENS' .... 305-313

*Tuxtayeva Dildora Zokirovna, Baxtiyorova Malikabonu Shavkat qizi*  
ETEL LILIAN VOYNICHNING "SO'NA" ASARIDA BOSH QAHRAMONLAR DINAMIKASI ... 314-318

*Seytnazarova Injayim Erjanovna*  
TILEWBERGAN JUMAMURATOV ASARLARIDA UNDA LMALARNING USLUBIY  
QO'LLANILISHI ..... 319-325

*Асадова Дилбархон*  
ЎРХОН ПАМУҚНИНГ "ҚОРА КИТОБ" РОМАНИДА "ЎЗЛИКНИ ИЗЛАШ" МОТИВИ ..... 326-342

*Khusanov Eldor Davlat o'g'li*  
BUYUK BRITANIYA VA AMERIKA INGLIZ SHEVALARINING O'XSHASH VA FARQLI  
JIHATLARI ..... 343-348

### **12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР**

*Утемурастов Махмут Ажимурастович*  
ЖАМИЯТДА ХУҚУҚИЙ ОНГ ВА ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ – ХУҚУҚИЙ  
ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ ..... 349-355

*Шымбергенова Улзада*  
ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИДА ВОЯГА ЕТМАНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ  
ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПЕДАГОГ (ПСИХОЛОГ)НИНГ РОЛИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ..... 356-362

*Полвонов Нажмиддин Аслиддинович*  
ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МОЛ-МУЛКНИ МУСОДАРА ҚИЛИШ МАҚСАДИ ВА УНИНГ ЎЗИГА  
ХОС ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ ..... 363-372

*Мирзаев Шухрат Шавкатович*  
КАТЕГОРИЯ «ДЕЙСТВИЕ ПРАВА»: ПОНЯТИЕ, СУЩНОСТЬ И ПРЕДЕЛЫ ..... 373-382

*Муҳаммадиев Сарвар Асқар ўғли*  
"ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ УНДИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ  
ИМКОНИАТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ" ..... 383-392

*Махмудов Суннат Азим ўғли*  
ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШ АСОСИ СИФАТИДА ЯРАШУВ ВА ХУСУСИЙ АЙБЛОВНИНГ  
ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ..... 393-399

### **13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

*Farrux Axmedov*  
XALQARO TAJRIBALAR ASOSIDA KURASHNI RIVOJLANTIRISH ..... 400-409

*Музафарова Саодат Хайдаровна*  
ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА МУСИҚА ВА УНИНГ  
ЭСТЕТИК АҲАМИЯТИ ..... 410-415



<i>Xaydarova Iroda Nizomiddinovna</i> BO'LAJAK INGLIZ TILI O'QITUVCHILARI TALAFFUZINI TAKOMILLASHTIRISH NUQTAYI NAZARIDAN 2020-2021 O'QUV YILI FAN DASTURLARI VA MATERIALLARI TAHLILI ...	416-421
<i>Шукурова Нафиса Алишеровна</i> ЗАМОНАВИЙ ВОЛЕЙБОЛГА ХОС ҲИМОЯ ҲАРАКАТЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБДА ШАКЛЛАНТИРИШ .....	422-427
<i>Nigmanov Bori Botirovich</i> FUTBOLCHILARNI TAKTIK TAYYORLASHDA HARAKATLI O'YINLARNING AHAMIYATI .....	428-433
<i>Муродова Дурдона Раимжон қизи</i> БЎЛАЖАК МУСИҚА ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ БАДИИЙ-ЭСТЕТИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИ .....	434-438
<i>Axmedov Alisher Nosir o'g'li</i> ANSAMBL BILAN ISHLASH METODLARI VA TAMOYILLARI .....	439-447
<i>Saparboyeva Dilshoda Sobir qizi</i> BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARIDA INSON QADRINI ULUG'LASH MADANIYATINI RIVOJLANTIRISH MEKANIZMLARI .....	448-452
<i>Mansurbekova Feruza Gayratovna</i> BOLALAR XORLARI BILAN ISHLASHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI .....	453-456
<i>Xodjayev Bolta Qurbonovich, Xojiyeva Matluba Shukurovna</i> O'QITUVCHI MEHNATNI ILMIIY ASOSDA TASHKIL ETISH YO'LLARI .....	457-465
<i>Atamuratova Munira</i> O'ZBEK GURUHLARIDA INGLIZ TILINI XORIJIY TIL SIFATIDA O'QITISHDA MADANIY ASPEKTDAN FOYDALANISHGA OID ZAMONAVIY YONDASHUVLAR VA INTERFAOL METODLAR TAVSIFI .....	466-471
<i>Нурилло Эминов</i> ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИНИНГ МОҲИР ИЖРОЧИСИ ОТАХОН МАТЁҚУБОВНИНГ ИЖОДИГА БИР НАЗАР .....	472-476

09.00.00 – Фалсафа фанлар

**Нуруллаева Зулхумор Сидаматовна**

Ўзбекистон миллий университети  
Этика ва Эстетика кафедраси катта ўқитувчиси, PhD

### **МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ МАДАНИЯТ ТИЗИМИДА МАҚОМ САНЪАТИНИНГ ЎРНИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада мақом санъати бадий-эстетик моҳиятининг фалсафий жиҳатлари очиқ берилган. Муаллиф мақом санъати генезиси, унинг фалсафий-эстетик, маданий ва маънавий-руҳий омиллар билан боғлиқ жиҳатларини таҳлил қилган, мақом санъатида эстетик категорияларнинг ифодаланиши, шакл ва мазмун уйғунлиги, мақомнинг эстетик мезонлари ҳамда унинг эстетик маданиятни юксалтириш омилларини ўрганган. Миллий ва умуминсоний маданият тизимида мақом санъатининг ўрни фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** мусиқа санъати, мақом санъати, эстетика, ритм ва гармония, ижод, интуитив билиш, фожавийлик, улугворлик, миллий ва умуминсоний қадриятлар, эстетик тафаккур

**Нуруллаева Зулхумор Сидаматовна**

Национальный университет Узбекистана  
Старший преподаватель кафедры этики и эстетики, PhD

### **МЕСТО ИСКУССТВА МАКОМ В СИСТЕМЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ И МИРОВОЙ КУЛЬТУРЫ**

**Аннотация.** В данной статье раскрываются философские аспекты художественно-эстетической природы искусства макама. Автор проанализировал генезис искусства макама, его аспекты, связанные с философско-эстетическими, культурологическими и духовно-духовными факторами, изучил выражение эстетических категорий в искусстве макама, гармонию формы и содержания, эстетические критерии статуса, факторы его усиления эстетической культуры. С философской точки зрения исследуется роль искусства макама в системе национальной и общечеловеческой культуры.

**Ключевые слова:** музыкальное искусство, искусства макама, эстетика, ритм и гармония, творчество, интуитивное познание, трагедия, величие, национальные и общечеловеческие ценности, эстетическое мышление.

**Nurullaeva Zulhumor Sidamatovna**

National University of Uzbekistan  
Senior teacher of the Department of Ethics and Aesthetics, PhD

### **THE PLACE OF MAKAM ART IN THE SYSTEM OF NATIONAL AND WORLD CULTURE**

**Abstract.** This article reveals the philosophical aspects of the artistic and aesthetic nature of maqam art. The author analyzed the genesis of maqam art, its aspects related to philosophical and aesthetic, culturological and spiritual and spiritual factors, studied the expression of aesthetic categories in maqam art, the harmony of form and content, aesthetic criteria of status, factors of its enhancement of aesthetic culture. From a philosophical point of view, the role of maqam art in the system of national and universal culture is studied.

**Key words:** musical art, maqam arts, aesthetics, rhythm and harmony, creativity, intuitive knowledge, tragedy, greatness, national and universal values, aesthetic thinking.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3SI4Y2023N31>

**Кириш.** Жаҳонда санъат, хусусан, мусиқа санъатига эътибор бугун ҳар қачонгидан ҳам кучайган. Зеро, мусиқа санъати нафақат инсоннинг ички маънавий-руҳий оламига, балки унинг мафқураси ва фалсафий дунёқараши шаклланишига ҳам таъсир кўрсатади, инсоннинг ижтимоий ва ахлоқий идеалларини, гўзаллик тўғрисидаги тасаввурларини шакллантиради, эстетик дидини ривожлантиради. Глобаллашув жараёни туфайли жаҳон мусиқаси ва мусиқашунослигининг трансформацияга учраб бораётганлиги мусиқанинг онтологик, эпистемологик ва аксиологик муаммоларини вужудга келтирмоқда, улар мусиқани миллий ва умуминсоний маданият тизимида тадқиқ этиш ҳамда унинг фалсафий-эстетик асосларини ривожлантириш заруриятини вужудга келтирмоқда. Шу маънода, бугунги ўзгаришлар даврида ҳар бир маданият, санъат, хусусан, мақом санъатининг анъанавий асосларини, қадриятларини фалсафий - эстетик нуқтаи назардан ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунё миқёсида қатор ривожланган мамлакатларнинг етакчи илмий тадқиқот марказлари ва институтларида мусиқа санъати, хусусан, мақом санъатининг эстетик моҳиятига оид қатор илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Марказий Осиё давлатларининг этномусиқаси, фольклор ва анъанавий мусиқаларининг генезиси, мақом санъатининг воқеликни эстетик идрок этишдаги умумий қонуниятлари ушбу жараённинг диалектик корреляцияси, мақомларнинг инсон руҳиятига таъсири, мазкур санъатнинг эстетик мазмуни ва моҳиятини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда, барча соҳалар каби мусиқа ҳамда мақом санъатини ривожлантириш борасида ҳам ислохотлар олиб борилаётгани эътиборлидир. Жумладан, Ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг очилиши, ҳар икки йилда мақом фестиваллари ўтказилиши натижасида мақомга бўлган эътибор ўзгарди. «Шашмақом»нинг 2003 йилда ЮНЕСКО томонидан «Инсониятнинг оғзаки ва номоддий маданий мероси дурдонаси» сифатида тан олиниши мазкур феноменнинг фалсафий ва эстетик хусусиятларини ўрганиш борасидаги тадқиқотларни янада жонлантириш заруриятини юзага келтирди. «Эндиликда мақом оҳанглари, мақом руҳи ва фалсафаси ҳар бир инсон қалбидан, аввало, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг онги ва юрагидан чуқур жой олиши учун бор имкониятларимизни сафарбар этишимиз зарур» [1; 321 б.]. Ижтимоий-маънавий тараққиётга эришишда мазкур санъат турининг ўзига хос ўрни ва роли бор.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3022-сон, 2017 йил 17 ноябрдаги «Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3391-сон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 ноябрдаги «Мақом санъатига ихтисослаштирилган мактаб-интернатларни ташкил этиш тўғрисида»ги 940-сон, 2020 йил 2 сентябрдаги «Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 536-сон қарорлари ва мавзуга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган вазифаларни амалга оширишда мамлакатимизда ушбу соҳанинг ривожига хизмат қилади.

**Адабиётлар таҳлили ва методология.** Антик даврдан бошлаб мусиқа санъатининг табиати, жанр хусусиятлари ҳамда тарихий ривожланиш йўли фалсафий-эстетик изланишлар марказида бўлиб келган. Пифагор, Платон, Аристотель, А.Бозэций, И.Кант, Г.Гегель, Ф.Шеллинг, А.Шопенгауэр, Ф.Ницше, Ж.Сартр ва бошқа файласуф олимлар асарларида мусиқа санъатининг келиб чиқиши, бошқа санъат турлари билан муносабатларнинг турли жиҳатлари, инсон ҳаётига фалсафий-эстетик таъсири ва жамият ижтимоий-маънавий тараққиётидаги ғоявий роли билан боғлиқ қарашлар илгари сурилган.

Шарқ мутафаккирларидан Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Ибн Божжа, Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий, Жалолиддин Румий, Умар Хайём, Кайковус, Абдурахмон Жомий, Нажмиддин Кавкабий, Сайфиддин Урмавий, Дарвиш Али Чангий Қутбиддин Шерозий каби олимлар мақом санъатининг назарий-методологик асосларини тадқиқ этганлар. Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз асарларида мусиқанинг назарий асосларини ҳамда унинг инсон ҳис-туйғуларига таъсирини тадқиқ қилганлар.

Олмон мумтоз фалсафасида И.Кант мусиқани «ҳислар эстетикаси» ва «сонлар эстетикаси» нуқтаи назаридан баҳолайди. Унинг таъкидлашича, гўзалликни ёқимлиликдан фарқи биз объектни гўзал деб атаб, бошқалардан ҳам шуни талаб қилишимизда. Шундай бўлса-да, биз гўзалликка худди объектнинг мулки каби муносабатда бўламиз. Айни шу маънода, мусиқа ҳам гўзаллик, ҳам ёқимлиликни ўзида акс эттирадиган субъектив ва универсал ҳодиса ҳисобланади[2;463 б.]. А.Шопенгауэр мусиқанинг моҳиятини руҳнинг автоном мавжудлигини ифода этувчи метафизик воқеликдан келиб чиқиб тушунтиришга ҳаракат қилади[3; 866 б.].

XX асрда хорижий олимлардан Ю.Эльснер, Т.Левин, Ҳ.Фармер, Д'Эрланже, А.Эйхгорн, М.Литнер ва бошқалар мусиқа санъатини илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ қилганлар.

МДҲ давлатларида мусиқанинг фалсафий-эстетик жиҳатлари ва бошқа санъат турлари билан алоқадорлиги масалалари Ю.Рагс, В.Шестаков, Ю.Борев, А.Лосев сингари олимлар асарларида атрофлича акс этган. Санъатшунос олимлардан Г.Шамилли, С.Фархадова, Р.Аминжонов, А.Сагадеев, С.Даукеева, С.Гудимова, А.Ражабовлар мусиқа санъати, жумладан, мақом генезиси, эволюцияси ҳамда назарий-методологик асосларини тадқиқ этганлар.

Ўзбекистонда мақом санъатини ўрганган санъатшунос олимлардан С.Бегматов, А.Джумаев, О.Иброҳимов, О.Матёқубов, И.Ражабов, Ф.Кароматов, З.Орипов, Ш.Айходжаева, А.Назаров, Н.Миронов, А.Сохор, Р.Юнусов, Ю.Ражабов, В.Успенский, В.Беляев, Ю.Плахов, Т.Вызго, Х.Тума, Е.Романовскаялар, жадид олимларидан Абдурауф Фитрат, Ғулом Зафарийларни таъкидлаш мумкин.

Ўзбек файласуф олимларидан мусиқа санъатини Д.Қодирова, Н.Агзамова, Д.Ташбаевалар тадқиқ этганлар. Жумладан, Д.Қодирова ўзбек миллий мусиқа ва кўшиқчилик санъатининг эстетик хусусиятларини, Н.Агзамова Шарқ перипатетикларининг эстетик концепциясида мусиқанинг ўрни масалаларини тадқиқ этганлар. Д.Ташбаева эса ўзбек мусиқасининг ўзига хос эстетик жиҳатларини ўрганган. Уларда мусиқа эстетик ҳис-туйғулар билан боғлиқ феномен сифатида тадқиқ этилган.

**Муҳокама.** Мақом санъати ўзида юксак ҳикмат дурдоналарини акс эттирган жанр ҳисобланади. Мақом инсонда санъатни билиш-англаш имкониятлари бадиий адабиётга нисбатан биров чеклайди. Чунки унда воқеликни алоҳида нозиклик, сезгирлик, инсоннинг илоҳий ҳис-туйғулари бетакрор нозик оҳанг-куйларда ифодаланади, воқеликни бадиий-эстетик ҳис-туйғулар орқали янада тўлақонли, жозибали англашга ёрдам беради. Фалсафа каби мақом санъати учун ҳам бош мавзу инсон ҳисобланади. Мақом санъати воситасида инсон табиат ҳодисаларидан ўзи учун аҳамиятли бўлган маъно излайди, шу орқали ўз қалбини поклайди. Шу боисдан ҳам бу санъат тури инсоннинг ҳар томонлама камол топишида муҳим аҳамиятга эга.

Мақом санъатидаги ритм ва гармония кишиларнинг эстетик оламига, уларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига катта таъсир кўрсатади. Янги билимлар, ғоялар, бадиий асарлар яратилишида мақом санъати асосини ташкил этувчи мусиқа муҳим ўрин эгаллайди.

Мақом санъатида айримликнинг умумийга бўлган диалектик нисбатини кўришимиз мумкин. Мақом санъатидаги ҳар бир ижод намунаси мустақил, ўзига хос ва бетакрор бўлиб, воқеликнинг муайян томонини бевосита акс эттиради.

Мақомлар Шарқ халқларининг мусиқа меросида жуда катта ўрин тутди. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»да қайд этилишича, «Мақом» (араб. — жой, макон, ўрин) – мусулмон Шарқи мусиқасидаги асосий тушунчалардан бири. Дастлаб, муайян баландликдаги товушни ҳосил қилиш учун торли чолғунинг дастасида бармоқ билан босиладиган жой парда маъносида ишлатилган. Кейинчалик Шарқ мусиқа назарияси ривожланиши жараёнида мақомнинг мазмун доираси тобора кенгайиб, бир-бирига нисбатан боғлиқ бошқа маъноларни ҳам англата бошлади: лад тузилмаси, лад тизими; муайян пардалар заминида вужудга келган куй-оҳанглар, шакл, жанр; бир қисмли ёки туркумли чолғу ва ашула йўллари, мусиқий услуб ва бошқалардан иборат бўлган[4; 544 б.].

Мақом мусиқа чолғуларида куй ва ашулаларни ташкил этадиган товушларнинг жойлашадиган ўрни, яъни пардалардир. Мусиқага оид баъзи китобларда «мақом» тушунчаси турлича таъриф ва тасниф этилади. Ибн Зайланинг фикрича, «мақом» сўзининг луғавий маъноси арабча «ўрин», «жой», «ҳолат», «вазият», «босқич», «даража» каби маъноларни билдиради. Бу атама дастлаб мусиқий атама сифатида талқин қилинмаган. Мақом атамаси турли соҳаларда турли маъноларда қўлланилган. У илк бор тасаввуф таълимотида сўфийликнинг тўрт босқичини ифода этган. Бу босқичларни инсон Оллоҳни таниши, билиши учун ўз нафсини енгиб, руҳий-ахлоқий покланиши учун босиб ўтиши лозим бўлган. Тўрт босқичнинг ҳар бири ўн асосдан иборат бўлиб, улар «мақом» деб аталган. Мақом атамаси хусусидаги бундай таъриф «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»да ҳам қайд этилган. Кейинчалик мақом сўзи «математика» фанида «маҳраж» маъносини англатган[5; 37-38 б.]. Дилором Каромат «Ўн икки мақом тизими ва унинг ҳинд рагалари билан ўхшашлиги (қўлёзмаларга кўра)» деб номланган мақоласида Кашмирда ҳам мақом «сўфиёна калом» деб аталишини эътироф этади.

Фалсафий нуқтаи назардан мақом эволюциясига баҳо берадиган бўлсак, мақом куй-қўшиқлари олий цивилизация ёки ғойибдан (арши аълодан) келган. У тасаввуфдаги «ҳол»ни ифодалайди, яъни сўфий «жазва» ҳолатига айнан шу куйлар орқали тушган ва руҳий комилликка интилган. Балки айнан мана шу омил туфайли мақом куйларининг

ривожи катта даврни қамраб олади. Шу билан бир қаторда, мақом инсон тафаккурини, ҳиссий ва эстетик вазифасидан ташқари, гносеологик ойдинлаштиришга ёрдам беради.

Мақом куйлари генезисига эътибор қаратсак, турли мусиқа илми билан шуғулланувчи олимларда бу масала бўйича икки хил қараш шаклланганлигини кузатишимиз мумкин. Бир гуруҳ тадқиқотчилар фикрича, мақом санъати асоси инсонларнинг интуитив билишига асосланади. Унга қарама-қарши ўлароқ, баъзи олимлар мақомнинг соф тафаккур маҳсули эканлигини таъкидлашади. Хусусан, профессор О.Иброҳимов мақом санъатининг илоҳий-интуитив асосларига эътибор қаратиб, уни тасаввуф илми билан боғлаган. Унинг фикрича, мақомларнинг шаклланиши ва вужудга келишида пайғамбарларнинг роли катта. Масалан, Рост мақоми ҳазрати Одам Алайҳиссаломга, Ушшоқ мақоми Нух Алайҳиссаломга, Роҳавий мақоми эса Муҳаммад с.а.в.га нисбат берилган[6; 31 б.].

Фалсафий нуқтаи назардан мақомнинг тарихий эволюциясини 3 босқичга бўлиш мумкин: 1-босқич – мақомлар базис субстанциялари (ийқоъ ва алҳон)нинг шаклланиши; 2-босқич – мақомлар назарий-методологик асосларининг шаклланиши; 3-босқич – мақомларнинг замонавий ривожланиш даври. Мақомларнинг назарий-методологик асослари яратилишида Мавлоно Нажмиддин Кавкабий салмоқли ҳисса қўшган. Унинг асарлари ичида бизгача «Рисолаи мусиқий»гина етиб келган. Бу рисола ўн икки бобдан иборат бўлиб, ўн икки мақом тизими (Дувоздаҳмақом), ритм масалалари шарҳлаб берилган, Мавлоно Нажмиддин Кавкабий бастакор ҳам бўлган, мақом йўллари асосида нақшлар, амаллар ва пешравлар яратган. XVI-XVII аср мусиқа санъатининг яна бир йирик намояндаси Дарвиш Али Чангий эди. Унинг «Рисолаи мусиқий» асари ўн икки бобдан иборат бўлиб, мусиқа рисолаларида куй-ашула турлари ва шакллари масалаларига махсус боблар ажратилган бўлиб, бу мусиқа намуналарини, мавхумроқ бўлса-да, тасаввур этишга ёрдам беради. Шубҳасиз, бундай куй шаклларини ташкил этувчи асосий қисмлар ҳозирги мақом йўлларида ҳам мавжуд. Сафуддин Урмавий ўзининг «Китабул-адвар» («Мусиқа ва ритм доиралари китоби») асарида мақом ва ритм уйғунлиги инсонни ҳаётнинг фожиали дунёсидан узиб олиб, олис ва хурликка етаклайдиган мусиқани намоён этишини биринчилардан бўлиб асослаб ўтади. Унинг даврида ишлаб чиқилган ўн икки мақом тизими XVII асргача шундай давом этади. Ўн икки мақом негизида миллий ва минтақавий мақом туркумлари вужудга кела бошлади. Ўзбек ва тожикларда мақом, туркман ва уйғурларда муқом, эрон ҳамда озарбайжон халқларида муғом ёки дастгоҳ, араб халқларида мақам шаклида вужудга келди.

Эстетикада ҳар бир категория инсоннинг идеалга нисбатини англатади. Инсон улуғворлиги ва унинг руҳий ҳамда жисмоний кучларининг қўлами улуғворлик категориясини эстетик қадриятга айлантиради, чунки улуғворлик инсон ва жамиятнинг идеалларини ифода этади. Фожиавийлик реал ҳаёт ва инсон тасаввуридаги кучлар тўқнашувининг натижаси бўлиб, бу тўқнашув курашининг қандай тугалланиши, пировардида, инсоният истиқболи, тақдири билан боғланиб кетади.

Гўзаллик категорияси меъёр билан боғлиқ бўлиб, бу билвосита уйғунлик орқали рўй беради. Яъни, меъёр уйғунлик хусусиятини белгилайди. Уйғунликда мослик ва мутаносиблик билан бир қаторда, баъзан мос эмаслик ва номутаносиблик катта аҳамият касб этади. Меъёр гўзалликни белгиловчи энг асосий омил ҳисобланади.

Мақомларнинг гўзаллиги ҳам айнан унинг универсаллиги, мослиги ва мутаносиблигидадир. Яъни, мақомларда куй бирламчи ўрин эгалласа, шеър иккиламчи ўринни эгаллайди. Мақом куйларига мос ғазал танланади. Яъни, мақом куйлари ритмига мос келувчи аруз вазнидаги ғазаллар танлаб, ижро этилган. Масалан, Тошкент-Фарғона мақом йўлларига кирувчи Дугоҳ Хусайний асари бир нечта ғазалларда ижро этилади. Айнан бу асар 8 та, Фузулий, Сайфий, Навоий, Оразий, Собир Абдулла ғазаллари билан ижро қилинган.

Улуғворлик инсонда фахр, ғурур, салобат каби туйғуларни уйғотувчи эстетик категориядир. Улуғворлик Бузрук мақомида авж пардаларда ижро этилувчи кўшиқларда намоён бўлади. Бузрук катта, улуғ маъноларида келиб, улуғ мақом деган маънони билдиради. Бузрук мақоми бутун борлиқнинг яралишини акс эттираётгандек улуғвор ҳиссиётни беради. Улуғворлик – Бузрук мақоми ҳажмининг катталиги билан ҳам ўлчанади. Бузрук мақоми бутун борлиқ яралишини акс эттирса, унинг лади (муайян пардалар заминида вужудга келган куй-оҳанглари) коинотнинг пайдо бўлишига ишора бераётгандек улуғвор ҳиссиётни беради. Инсон улуғворлик орқали руҳий моҳиятга эришади ёки Худо билан бирлашади.

Фожиавийлик – эркинлик ва заруриятнинг ўзаро таъсири жараёнида юзага келадиган ҳамда одамларнинг азобланиши, ўлиши ва ҳаёт учун муҳим бўлган қадриятларнинг йўқ қилиниши билан бирга бўлган энг кескин ҳаётий қарама-қаршилиқ, вазият ва шароитларни акс эттирадиган эстетик омил. Фожиавийлик инсоннинг кадр-қиммати ва буюклиги ғоясидан ажралмаслиги билан ҳам, инсоннинг эркин ҳаракатларида ҳам, зарурият кучлари билан тўқнашувда ҳам бу ҳаракатларга ҳамроҳ бўлган азоб-уқубатларда намоён бўладиган гўзал ва улуғворлик билан боғлиқ. Сақил ритмли куйлар Шашмақомнинг Мушкулот қисмида учрайди. Сақил оғир деган маънони билдиради. Ушбу мақомлар оғир ритмли бўлгани учун ҳам уни тинглаётган инсон дардни, фожиани ҳис қилади.

Фалсафада мазмун ва шакл категориясини бошқа категориялар тизимидан ажратиб олиб, нисбатан мустақил таҳлил қилганда, унга инсонларнинг муайян манфаат ва эҳтиёжлар асосида ёндашишларини алоҳида эътиборга олиш керак. Бу мазмун ва шаклнинг объектив характериға путур етказа олмаса ҳам уларни баҳолашдаги субъектив, муқобил қарашларда ўз ифодасини топади.

Мақом санъатида эстетик шакл ва мазмун уйғунлиги масаласига эътибор қаратганимизда бу муаммонинг фалсафий-онтологик жиҳатларига тўхталиб ўтишимиз жоиз. Бадиий асар фақат мазмун ёки шаклдан иборат бўлмайди. Иккиси мудом диалектик алоқада бўлади. Ёшларда бошқа мусиқа санъати турлари каби мақом ҳам самарали таъсирга эга. Яъни, мақом ўзига хос ритмга эга бўлганлиги учун ҳам идрок этувчининг диққатини жамлайди ва фориғлантиради. Шунингдек, ёшларда эстетик онгни юксалтиришда мусиқадан фойдаланиш ўзига хос самара беради.

Мақомнинг герменевтик хусусиятлари учта компонентдан иборат. Улар – интерпретация, тушуниш ва эмпатиядан иборат. Биринчи компонент **интерпретация** – мақомни эстетик идрок қилишда намоён бўлади. Эстетик объект бўлган мақомни тушунтирувчи ва тушунувчи (ижро этувчи ва тингловчи) субъект ўз дунёқарашидан келиб чиқиб, талқин этади. Бу ерда тушунувчининг мақомни қай даражада тушуниши тушунтирувчи (ижро этувчи)нинг ижро маҳоратига боғлиқ бўлади.



Мақомни англашдаги иккинчи компонент **тушуниш** ҳисобланади. Инсон эстетик объектни тушунсагина ундан эстетик завқ олади ва унга эстетик баҳо бера олади. Бу ўринда инсоннинг макон ва замондаги хатти-ҳаракати, ижтимоий келиб чиқиши муҳим аҳамиятга эга. Учинчи компонент **эмпатия**да фалсафанинг сабаб ва оқибат категорияси кесимида эстетик завқ сабаб катарсис (фориғланиш) оқибатни ифодалайди, ундан кейин калокагатия (ахлоқий гўзаллик) ҳолатига ўтади. Мақомда айнан унинг «лади» (уйғунлик тартиб) инсонга эстетик завқ беради. Калокагатия маънавий юксалишнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Мақомларнинг яна бир эстетик хусусияти унда калокагатия (ички гўзаллик)нинг намоён бўлишидир. Қадимги юнон маданиятининг ахлоқий-эстетик идеали авлодлар алмашилишида жисмоний ва руҳий баркамоллик уйғунлигини назарда тутди.

**Натижалар.** Қадриятни ўзбек файласуфларидан Ж.Туленовнинг фикрича, қадрият инсон ва инсонлар учун аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадлари йўлида хизмат қиладиган эркинлик, ижтимоий адолат, тенглик, ҳақиқат, маърифат, гўзаллик, яхшилик, ҳалоллик, бурчга содиқлик сингари фазилатлар мажмуи деб тушунилади[7; 145 б.].

Мақом санъати ўзининг эстетик қадрият сифатида кириб бормаган ўзбек хонадони бўлмаса керак. Мақомнинг асосий миллий ва умумбашарий функцияси тарбиявий аҳамиятга эга. Мақомлар умуминсоний эстетик қадрият сифатида турли халқларда турлича талқин ва ижро этилади. Озарбайжон, эрон, араб, турк, туркман, ўзбек, тожик, уйғурларда мақом санъати ривожланган. Бу халқлардаги мақомлар асосини XIII асрда Сайфиддин Урмавий асос солган Ўн икки мақом тизими (Ушшоқ, Наво, Бусалик, Рост, Ироқ, Исфаҳон, Зирофканд, Бузрук, Зангула, Роҳавий, Ҳусайний ва Ҳижоз, овозлари эса Шаҳноз, Мае, Салмак, Навруз, Гардуния, Гувашт) ташкил этади.

Юқорида таҳлил қилганимиздек, мақом санъати ўзига хос эстетик қадрият сифатида халқ турмуш тарзи ва маданий фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Чунки у асрлар давомида халқнинг миллий анъаналари, маънавий дунёқараши ҳамда эстетик оламини бойитишга хизмат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 ноябрдаги «Бухоро вилоятида ёш ижрочиларнинг Шашмақом республика фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, ҳар икки йилда бир мартаба май ойида Бухорода Республика мақом фестивали ўтказилиши белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистонда мақом санъатини янада ривожлантириш, бу борада шакланган ижро ва ижодий мактаблар ва анъаналарни, буюк бастакорлар, ҳофиз ва созандалар меросини чуқур илмий асосда ўрганиш борасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 ноябрдаги «Мақом санъатига ихтисослаштирилган мактаб этиш тўғрисида»ги 940-сонли қарорига мувофиқ, 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб Тошкент шаҳрида Республика мақом санъатига ихтисослаштирилган 200 ўринли мактаб-интернати ташкил этилди. Фарғона ва Хоразм вилояти мусиқа ва санъат мактаблари, Бухоро вилоятидаги ихтисослаштирилган маданият мактаби негизида мақом санъатига ихтисослаштирилган мақом мактаб-интернатлари фаолияти бошланди.

Мақом санъатига оид «Олтин фонд»ни яратиш бўйича Ўзбек миллий мақом маркази қошида махсус бадий кенгаш тузилди. Ўзбекистон МТРКи «Маънавият ва

маърифат» телеканалда «Мақом алифбоси» кўрсатуви эфирга узатила бошланди. Бу телевидение орқали мақом санъатини оддий ва содда тарзда кенг оммага тушунтириш ва тарғиб қилишдир. «Маҳалла» радиоканалида «Мақом мавжлари» эшиттириши эфирга узатилмоқда. Юртимизнинг барча худудларидаги олий таълим даргоҳларида, мактаблар, маҳаллаларда мақом санъати тарғиботида оид ижодий кечалар, мақом оқшомлари ўтказилмоқда. Болалар мусиқа ва санъат мактабларида ташкил этилаётган мақом санъатига оид маҳорат дарслари, семинар-тренингларда халқимизнинг таниқли санъаткорлари, ҳофизлар, мусиқашунослар мунтазам иштирок этмоқда. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги билан ҳамкорликда «Шашмақом» ҳақидаги ҳужжатли фильм ва тўлиқ метражли бадиий фильм сценарийси ёзиб тугалланди.

**Хулоса.** Мақом санъати эстетикаси – ғоявийлик, халқчиллик, бадиийлик масалаларини, уларнинг ижтимоий аҳамиятини, тарихий ва миллий анъаналарни, эркинлик ва индивидуалликни, услуб ва жанрдаги янгиликларни ифода этади. Шунингдек, мақом санъати ўзида ҳаёт воқелигини тасвирлаш йўли ва шакллари, мусиқий образларнинг табиати ва моҳиятини, мусиқадаги гўзаллик ва улуғворлик категорияларини, мазмун ва шаклни, объективлик ва субъективликни, типиклик ва мустақилликни, мантиқ ва эмоционалликни, экспрессивлик ва образлиликни мужассамлаштиради.

Мақомларнинг инсон маънавиятини юксалтиришдаги тарихий ва замонавий тенденцияларини ёритишда унинг асосий мақсади инсонни гўзалликни тушуниш ва қадрлашга ўргатиш, унинг воқеликка эстетик муносабатини шакллантириш, шахснинг ижодий потенциали ва қобилиятини ривожлантириш, бадиий тасаввур ва эстетик мушоҳада қилиш малакасини юксалтириш, эстетик дидни, эстетик идеал ва эстетик қадриятларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришдан иборат.

Мақом инсонларни маънавий-эстетик жиҳатдан тарбиялашда ноёб феномендир. У ўзида халқнинг руҳияти, туйғулари, менталитети, дунёқараши, маданияти ва қадриятларини мужассам этган бўлиб, инсон ҳар томонлама уйғун ривожланишида юксак ўрин эгаллайди. Шунингдек, мақом санъати Ўзбекистоннинг маънавий-маърифий тараққиётида муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

### Адабиётлар/Литература/References:

1. Мирзиёев Ш. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 321 б.
2. Кант И. Критика чистого разума; Критика способности суждения: [перевод с немецкого]. – М.: Критика практического, 2018. – 463 с.
3. Шопенгауэр А. Мир как воля и представление. Мысли. Афоризмы житейской мудрости. – СПб: Азбука-Аттикус, 2022. – 866 с.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. М ҳарфи. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. – 544 б.
5. Орипов З. Ибн Зайланинг “Китаб-л-кафи фи-л-мусиқа” рисоласидаги атамалар. – Тошкент, 2008. – Б.37-38.
6. Иброҳимов О. Мақомлар семантикаси: Сан. фан. док. ... дис. – Тошкент, 1996. – 31 б.
7. Туленов Ж. Ҳаёт фалсафаси. – Тошкент: ЎЗБЕКИСТОН, 1993.-Б.145.

8. Волошинов А. Пифагор: Союз истины, добра и красоты. – М.: Ленанд, 2017. – 232 с.;  
Платон. Собрание сочинений. В 4-х т. – М.: Мысль, 1993. Т.2. - 568 с.
9. Платон. Полное собрание сочинений в одном томе. – М.: Альфа-книга, 2016. - 1131 с.
10. Аристотель. Политика; Риторика / Аристотель. – М.: Эксмо, 2019. - 382 с.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

*№ 5/4 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).